



Specific features of teaching special subjects in professional educational institutions

Ibragim SAGATOV¹

Institute for Independent Research, Pedagogical Innovation, Vocational Education Management and Teacher Retraining and Professional Development

ARTICLE INFO

Article history:

Received July 2023
Received in revised form
15 July 2023
Accepted 25 July 2023
Available online
15 August 2023

Keywords:

professional education,
training courses,
specialty subjects,
special subjects,
teaching methodology

ABSTRACT

This article highlights the specific features of teaching special subjects in professional educational institutions, as well as the role and importance of teaching special subjects in the professional training of future specialists. The function of special subjects in the process of professional training and the uniqueness of the teaching methodology of special subjects were discussed. The article concludes that special subjects are considered the basis of professional training and require a systematic and integrative approach and appropriate teaching and learning methodology.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss6/S-pp497-502>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Профессионал таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

профессионал таълим,
тайёрлов йўналишлари,
мутахассислик фанлари,
махсус фанлар,
ихтисослик фанлари,
ўқитиш методикаси

Ушбу мақолада профессионал таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, махсус фанларни ўқитишнинг бўлажак мутахассисларни касбий тайёрлашдаги ўрни ва аҳамияти ёритиб берилган. Махсус фанларнинг касбий тайёрлаш жараёнидаги вазифаси ҳамда уларни ўқитиш методикасининг ўзига хослиги борасида сўз юритилган. Мақолада хулоса қилинадиги, махсус фанлар касбий тайёргарликнинг асоси ҳисобланиб, тизимли-интегратив ёндашув ҳамда унга мос ўқитиш, ўрганиш методикасини талаб этади.

¹ Independent applicant, Institute for Independent Research, Pedagogical Innovation, Vocational Education Management and Teacher Retraining and Professional Development

Особенности преподавания специальных предметов в профессиональных образовательных учреждениях

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

профессиональное образование, учебные курсы, предметы по специальности, специальные предметы, методика преподавания.

В данной статье освещаются особенности преподавания специальных предметов в профессиональных учебных заведениях, а также роль и значение преподавания специальных предметов в профессиональной подготовке будущих специалистов. Обсуждается функция специальных предметов в процессе профессиональной подготовки и своеобразие методики преподавания специальных предметов. В статье делается вывод о том, что специальные предметы считаются основой профессиональной подготовки и требуют системного и комплексного подхода и соответствующей методики преподавания и обучения.

Республикамизда таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар меҳнат бозорининг талабларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттиришни, профессионал таълимни замонавийлаштиришни талаб этади.

Республикамиз иқтисодиётининг барча соҳаларига меҳнат бозорида рақобатлаша оладиган, кенг ихтисосли, юқори малакали профессионал кадрлар тайёрлаш жараёнини ривожлантириш учун профессионал таълимни модернизациялаш, тайёрлов йўналишлари касб таълим стандартлари, ўқув режа ҳамда дастурларини такомиллаштириш, самарали таълим технологияларини амалга жорий этиш, зарур моддий-техник ва ўқув-услугий база яратиш ҳамда улардан унумли фойдаланиш, ўзига хос ўқув-илмий мажмуалар ва марказлар ташкил этиш кабиларга асосланиш зарур.

Профессионал таълимда кадрлар тайёрлашда уларнинг бўлғуси касби ва ихтисослиги билан бевосита боғлиқ ўқув предметларини ўқиб-ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Мутахассисларнинг бевосита касби ва ихтисослиги асосини ташкил этувчи ўқув предметлари амалиётда “махсус фанлар”, “мутахассислик фанлари”, “ихтисослик фанлари” каби кўплаб номлар билан аталади. Лекин, уларни номлашда тўлиқ бир тўхтама келинмаганлиги шу боис уларнинг барча жиҳатларини ёритувчи ягона, яхлит тушунча мавжуд эмас.

Махсус фанларнинг вазифаси танланган касб ва ихтисосликлар бўйича зарур ва етарли даражадаги билим, хатти-ҳаракат усуллари (кўникма ва малакалар) ва шахсий фазилатларни шакллантиришдир [11].

Профессионал таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиш методикасига оид изланишларимиз, уларнинг таркибидаги мавзулар орасидаги узвийликни таъминлашга, яхлит таълим-тарбия ва ривожлантириш жараёнини ташкил этиб ўтказишга, таҳсил олувчиларнинг ўзлаштиришларини мунтазам равишда назорат қилиб объектив баҳолашга, босқичма-босқич аниқ амалий фаолиятга тайёрлаш имкониятлари юқори эканлигини кўрсатади.

Профессионал таълим муассасаларида махсус фанларни ўрганиш жараёни ўзининг мақсади ва вазифалари, мазмуни, ташкил этиш шакллари, амалга ошириш

методлари ва воситалари, ўрганиш ўрни (жойи), ажратилган вақт миқдорига кўра умумилмий ҳамда умумкасбий ўқув предметларидан фарқ қилади [4].

Махсус фанларни мақбул ўқитиш деганда айни пайт ва шарт-шароитда энг кам вақт, зўриқиш кучлари, маблағ, материал кабилар сарфлаб имкон қадар юқори самара ҳамда сифатли натижага эришишни тушунилади [15].

Маълумки, ҳозирги пайтда фаннинг ривожланиши табақаланиш ва мужассамлаштириш билан тавсифланади.

Фаннинг табақаланиши мавжуд фаннинг алоҳида бўлими мустақил тармоқ сифатида ажралиб чиқишида ўз ифодасини топса, илгари алоҳида-алоҳида бўлган бир неча фанлар туташган жойида янги, жадал ривожланувчи фанлар ҳосил бўлиши эса мужассамлаштиришни англатади. Мужассамлаштириш, энг аввало, объектлар моҳиятига чуқур кириб бориш билан тавсифланади. Мисол учун умумий педагогикадан аниқ ўқув предметларини ўқитиш методикаси, спорт, музей, оила, муҳандислик, касб-ҳунар каби тармоқларни ажралиб чиққанини кўрсатиш мумкин. Касб-ҳунар педагогикаси ўз навбатида касбий таълим моҳиятига чуқур кириб бориб унинг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш муаммоларини ҳал этишга қаратилганлигини кўрсатиб ўтишнинг ўзи кифоя [6].

Демак, таълим тизимининг ривожланиши педагогикани табақаланишига замин яратди.

Методика учун ўзига хос масала кўрилаётган аниқ ўқув предметини ўқитиш мазмуни ҳисобланади: ўқув предметини шаклланишида маълум фан соҳасидан илмий-амалий аҳамиятга эга ахборотларни танлаб олиш, уларни тизимлаштириш муҳим аҳамият касб этди. Бу масалаларни таълимий, тарбиявий, ривожлантириш ва қизиқтириш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда хусусий методикалар тадқиқ этади. Лекин, энг аввало аниқ фан ундан ўқув мақсадларида ажратиб олинган қисми, яъни ўқув предметининг ўзига хос жиҳатлари ҳисобга олинади. Таълим мазмунини аниқлашда умумий педагогика бир томонда қолиб кетмайди. Бироқ умумий педагогикада фан ва ўқув предмети дидактик нуқтаи назардан етарли даражада ишлаб чиқилмаган ҳисобланади, бу масала методика доирасида нисбатан кўпроқ ўз ечимини топади [2].

Машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш, талабаларнинг мустақил ишларини ҳамда ўқув предмети бўйича тўгарак ишларини ташкил этиш ва меъёрлаш, таҳсил олувчиларнинг фаол ўқув-билиш фаолиятларини таъминлаш йўллари аниқлаш, таълим-тарбия методларини танлаб амалга жорий этиш, ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаб, баҳолаш каби масалаларда методика ўқув предмети мансуб бўлган фанга нисбатан кўпроқ дидактика ва педагогик психологияга таянади. Лекин таълимнинг қуйидаги муҳим бир масаласи мавжудки, бир томондан, энг аввало, методика ўзи тегишли фанга, иккинчи томондан педагогик психологияга таянади.

Фан асосларини ўқитиш методикаси каби махсус фанларни ўқитиш методикаси у тегишли фан билан педагогика орасида вужудга келади. Шу билан бирга умумилмий ўқув предметлари методикаси билан махсус фанлари методикалари бир-биридан фарқ қилишини ҳам таъкидлаш зарур. Фан асослари амалда умумилмий ёки умумтаълим ўқув предметлари деб юритилиб, уларнинг мазмуни бевосита улар тегишли бўлган фандан ажратиб олинади ҳамда дидактик ишлов берилиб, ундан сўнг ўрганилади.

Профессионал таълимда кадрлар тайёрлаш тизимида махсус фанларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки ихтисосликка оид билим, хатти-ҳаракат усуллари (кўникма ва малакалар) ҳамда шахсий фазилатлар асосан махсус фанларни ўрганиш жараёнида шаклланади. Бундан махсус фанлар мазмунини ўзлаштирилиши билан профессионал таълим муассасалари битирувчиларининг маданий-техник тайёргарлик даражаси бевосита боғлиқлиги келиб чиқади. Бу боғлиқлик энг аввало “ихтисос”, “касб”, “хунар”, “мутахассислик”, “касбий” каби тушунча ҳамда атамалар моҳиятини аниқлаб олиш заруриятини кўрсатади [10].

“Касб” тушунчасини “ихтисослик”, “малака” ва “лавозим” тушунчаларидан фарқлаш керак. Касб – бу инсон ўз жисмоний ва маънавий кучлари, шунингдек, билимлари ва ақлий қобилиятларини рўёбга чиқарадиган жамият учун аҳамиятли ҳамда меҳнат тақсимоти туфайли муайян чегаралар билан ажратилган соҳа [5, б. 23-24]. Малака муайян меҳнат тури учун тайёрлик даражаси, ихтисослик муайян касб доирасида амалга ошириладиган меҳнат тури, яъни маълум бир касбий йўналишда бажариладиган иш-фаолият, лавозим еса маълум хизмат вазибаларининг бажарилишини талаб қилувчи иш ўрнидир.

В.А. Скакуннинг фикрича “... малакали мутахассис (ишчи) лар тайёрлаш мазмунининг умумий структурасида умумтехника фанлари ва махсус фанлар асосий ўринни эгаллайди ва малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Бу фанлар, бир томондан умумтаълим фанлари билан, иккинчи томондан эса ишлаб чиқариш таълими билан чамбарчас боғлиқ бўлади ва улар диалектик бирликда туради. Бу ҳол умумтехника ва махсус фанлар мазмунини талабаларнинг умумтаълим доирасидаги билимларига асосланадиган, бу билимларини кенгайтирадиган, шу билан бирга ишлаб чиқариш таълими учун асос бўладиган ва шу ишлаб чиқариш таълими билан бойитадиган қилиб тузишни талаб этади [14].

Умумтехника фанлари ва махсус фанларнинг асосий қондаси уларни ўрганишнинг шакл ҳамда методларига нисбатан алоҳида талаблар қўяди. Бу ерда ўзига хослик шундан иборатки, умумтехника фанлари ва махсус фанларни ўрганишда умумтаълим фанларини ўрганишда татбиқ этилган шакл ҳамда методлардан фойдаланиш зарур. Бошқа томондан эса уларнинг катта амалий аҳамиятини ишлаб чиқариш таълимига ўтиш учун “эшик” эканлигини назарда тутган ҳолда ишлаб чиқариш таълими учун хос бўлган методлар ва методик усуллардан кенг қўламда фойдаланиш лозим” [9; 3-4-б.].

Махсус фанларни ўрганишда кўпроқ амалийлик юқори бўлганлиги, ишлаб чиқаришга яқинроқ ҳисобланганлиги сабабли ўзига хослиги умумтаълим фанларидан яққол фарқли эканлигини кўрсатади. Ўқув режасидаги махсус фанлар ўзаро боғлиқлигини таъминлаш, фан дастурларини оддийдан мураккабга қараб тузиш, ўқитишнинг самарали методларини танлаш, ўқув мақсадларини белгилаш талабаларнинг муайян касб бўйича билим ва кўникмаларини ҳосил қилишда муҳим аҳамиятга эгадир. Биз томондан махсус фанларни ўқитиш методикасига доир ўтказилган изланишлар натижасида талабаларда касбий билим ва кўникмаларни шакллантиришда модулли ўқитиш тизими яхши самара бериши аниқланди.

Модулли ўқитишда махсус фан таркибидаги модулар орасидаги узвийликни таъминлашга, ўқитишни жадаллаштиришга, талабаларнинг

ўзлаштиришини мунтазам назорат қилишга ва баҳолашга, қизиқтириш асосида амалий фаолиятга ўргатишга ва ўқув материални босқичма-босқич ўқитиш орқали фанни самарали ўзлаштиришга эришиш мумкинлиги аниқланди [15].

Махсус фанларни ўқитишда кўрсатмалиликдан фойдаланиш, умумий таълим фанларини ўқитишдагига нисбатан муайян хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар умумтаълим фанлари мазмунининг ўзига хос хусусиятлари ва уларни ўрганиш методикаси билан боғлиқ. Агар, умумтаълим фанларини ўрганишда кўрсатмалилик тартиби асосий ғояни яхшироқ ўзлаштиришга ёрдам берса, махсус фанларни ўқитишда, жиҳоз ёки асбобнинг тузилиши ва ишлаш тамойили, технологик жараёнларини ва ишчи органларининг ўзаро ҳаракатини ўрганиш талаб этилади.[5]

Махсус фанларни ўрганишда кўпроқ амалийлик юқори бўлганлиги, ишлаб чиқаришга яқинроқ ҳисобланганлиги умумтаълим фанларидан фарқли эканлигини кўрсатади. Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари махсус фанлар билан ўзаро боғлиқ ҳолда олиб борилади. Махсус фанларни ўрганишда кўпроқ амалийлик юқори бўлганлиги, ҳамда ишлаб чиқаришга яқинроқ ҳисобланганлиги умумтаълим фанларидан яққол фарқли эканлигини кўрсатди. Махсус фанларни ўқитиш услубларини танлашда ўқув мақсадларини белгилаш ўзига хосликни талаб этади. Талабаларни касб-ҳунарга ўргатишда махсус фанлар бутунлигича шу касб хусусиятига мос бўлиши билан бирга ўқув материали мазмунида муайян касб бўйича махсус фанга тегишли фаолият турлари тўлиқ ёритилиши зарур.

Махсус фанларни ўқитиш ўзининг кўпгина белгилари, яъни мазмуни, мақсад ва вазибалари, методлари, воситалари, ташкил этилиши, ўтказилиш жойи, жиҳозланиши, шакллари, тузилиши, ажратиладиган вақти билан ҳам умумтаълим фанларидан кескин фарқ қилади.

Хулоса қилиб айтганда, махсус фанлар касбий тайёргарликнинг асоси ҳисобланиб, тизимли-интегратив ёндашув ҳамда унга мос ўқитиш, ўрганиш методикасини талаб этади. Бу жараёнда ўзлаштирилган билим, хатти-ҳаракат усуллари ва шахсий фазилатлар амалиётда қўлланилиб сайқалланади ва касбий маданият даражасигача такомиллаштирилиши кўзда тутилади.

Профессional таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиш жараёнини танқидий таҳлил қилиш талабаларнинг касбий билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш жараёнига таъсир қилувчи қатор омилларни аниқлаштириб олишга имкон берди. Булар, ижтимоий буюртма, таълим муассасасининг моддий-техник ва методик таъминоти ҳамда ўқув жараёнини ташкил этиш каби омиллардир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профessional таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги ПФ-5812 сон Фармони. www.lex.uz.

2. О.А.Абдуқуддусов, Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашга интегратив ёндашув. – Т.: Фан, 2005, - 157 б.

3. Авазбоев А.И. Совершенствование подготовки учителей трудового и профессионального обучения на основе интеграции содержания учебных предметов.: Автореф. дисс. канд. пед. наук. - Т.: 2001. -21 с.

4. С.Ю.Ашурова, Енги́л саноат йўналишлари бўйича кичик мутахассислар тайёрлашда махсус фанларни модулли ўқитишнинг илмий-услубий асослари: Дис. ... пед. фан. ном.- Тошкент: 2005. - 137 б.

5. Батишев С.Я. Учебник для студентов, обучающихся по педагогическим специальностям и направлениям. М.: Ассоциация «Профессиональное образование», 1997. — 512 с.

6. Беляева А.П. Дидактические принципы профессиональной подготовки в профтехучилищах.- М.: Высш.шк., 1991.-208 с.

7. Катханов К.Н. Педагогические основы производительного труда.-М.: Высш. шк., 1997.-359 с.

8. Мирсаидов К.Ж. Формирование профессиональных умений в процессе подготовки механизаторов хлопкосеющей зоны: Автореф. дис. ... канд. Пед. наук. – М.: 1974.-10 б.

9. Мусаева Н.Н.Технологии модульного обучения в профессиональной подготовке младших специалистов: Дис. ... канд. пед. наук. - Бухоро: БТИПЛП, 2006. – 145 с.

10. Н.А.Муслимов, Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: Пед. фан. докт. .. дис. - Т.: ЎМКХТТКМО ва УҚТИ, 2007. - 349 б.

11. О.М.Мусурмонова, А.Х.Абдуллаев, М.Т.Аҳмедова, Ўқув ишлаб чиқариш таълими.-Т.: Халқ мероси, 2004.-144 б.

12. Новиков А.М. Процесс и методы формирования трудовых умений.-М.: Высш.шк., 1986.-288 с.

13. Отабаев И.А. Методы и формы производственного обучения// Наука, техника и образование. – Москва, 2016. №10(28). – С.84-85.

14. Скакун В.А. Проведение и анализ уроков по специальным и общетехническим предметам.-М.: Высшая школа, 1984.- с.

15. А.Р.Ходжабаев, Ш.У.Қосимов, Амалий касбий таълимни ташкил қилиш ва ўтказиш методикаси.- Т.: ЎМКХТТКМО ва УҚТИ, 2007.-150 б.

16. А.Р.Ходжабаев, И.А.Ҳусанов, Касбий таълим методологияси. Т.: “Фан ва технология”, 2007.-41, 192 б.

17. Ў.Д.Хидиров, Мирсаидов К.Ж., Чориев Қ.Р. Ишлаб чиқариш таълими.- Т.: Ўқитувчи, 2002.-104 б.

18. Эрганова Н.Е. Основы методики профессионального обучения. - Екатеринбург: Изд-во Урал, проф.-пед. ун-та, 1999.-138 с.